

## **ХІІ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ**

(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

(Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси асосида шакллантирилди)

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) 33 356 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 32 215 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 96,6% ни ташкил қилди.


Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг асосий улуши Наманган шахри (33,9 %), Чуст (8,3 %), Наманган (6,9 %) ва Уйчи (6,6 %) туманлари хиссаларига тўғри келади.

### **Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича таксимланиши (2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)**

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
<b>Вилоят жами</b>	<b>31 815</b>	<b>100,0</b>	<b>30 882</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	10 865	34,2	10 430	33,8
Мингбулоқ	1 386	4,4	1 371	4,4
Косонсой	1 956	6,1	1 899	6,1
<b>Наманган т.</b>	<b>2 227</b>	<b>7,0</b>	<b>2 181</b>	<b>7,1</b>
Норин	1 490	4,7	1 478	4,8
Поп	2 000	6,3	1 959	6,3
Тўрақўрғон	1 987	6,2	1 931	6,3
<b>Уйчи</b>	<b>2 104</b>	<b>6,6</b>	<b>2 046</b>	<b>6,6</b>
Учқўрғон	1 821	5,7	1 784	5,8
Чортоқ	1 722	5,4	1 675	5,4
Чуст	2 636	8,3	2 548	8,3
<b>Янгиқўрғон</b>	<b>1 621</b>	<b>5,1</b>	<b>1 580</b>	<b>5,1</b>

## Рўйхатдан ўтган субъектларнинг худудлар бўйича улуши, % да

(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)



- |               |             |              |              |
|---------------|-------------|--------------|--------------|
| ■ Наманган ш. | ■ Мингбулоқ | ■ Косонсой   | ■ Наманган   |
| ■ Норин       | ■ Поп       | ■ Тўрақўрғон | ■ Уйчи       |
| ■ Учқўрғон    | ■ Чорток    | ■ Чуст       | ■ Янгиқўрғон |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (30,2 %), саноат (21,1 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (8,2 %) ҳамда қурилиш (7,5 %) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари иқтисодий фаолият турлари бўйича  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
<b>Жами</b>	<b>28 990</b>	<b>100,0</b>	<b>27 980</b>	<b>100,0</b>

*шу жумладан:*


кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	2 694	9,3	2 597	9,3
саноат	7 033	24,3	6 809	24,3
курилиш	2 488	8,6	2 402	8,6
савдо	10 087	34,8	9 700	34,7
ташиб ва сақлаш	1 105	3,8	1 074	3,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 481	5,1	1 411	5,1
ахборот ва алоқа	457	1,5	445	1,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	578	2,0	566	2,0
бошқа турлари	3 067	10,6	2 976	10,6

## Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони


(ташикилий-хуқуқий шакли бўйича  
2021 йил 1 апрель холатига кўра, бирликда)



Масъулияти чекланган жамият



Хусусий корхона




### Масъулияти чекланган жамият

Масъулияти чекланган жамият деб, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хужжастлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамоат фаолияти билан бўлиб зарар учун ўзлари қўшиган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшимаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг доирасида солидар жавобгар бўладилар. Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “масъулияти чекланган” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

**Оилавий корхоналар сони**  
*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




Рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 1 095 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 465 тага ёки 1,7 мартаға ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 1 057 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 450 тага ёки 1,7 мартаға ошганлигини кўриш мумкин.

2021 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 109 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11 тага ёки 11,2 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг худудлар кесимида сони**  
*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




## **Масъулияти чекланган жамиятлар сони (2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)**


Рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 19 615 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 4 458 тага ёки 129,4 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 19 063 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 4 251 тага ёки 128,7 % га ошганлигини кўриш мүмкин.

2021 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 1 417 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 293 тага ёки 126,1 % га ошганлигини кўриш мумкин.



## **Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларининг ҳудудлар кесимидағи сони (2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)**




2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра масъулияти чекланган жамиятларнинг асосий қисми Наманган шаҳри 7 494 та (жамидаги улуши 38,2 %), Уйчи 1 413 та (7,2 %), Поп 1 289 та (6,6 %), Чортотқ 1 269 та (6,5 %), Наманган 1 254 та (6,4 %), Косонсой 1 188 та (6,1 %), Чуст 1 068 та (5,4%), Янгиқўрғон 1 025 та (5,2 %), Норин 986 та (5,0 %), Тўрақўрғон 969 та (4,9 %) хиссасига тўғри келади.

Аксинча энг камлари Мингбулоқ 720 та (3,7 %), Учкүрғон 940 та (4,8 %) туманлари ҳиссаларига түфри келади.

**Фаолият кўрсатайтган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги  
корхоналари жамига нисбатан улуши, фоизда**



**Фаолият кўрсатайтган саноат корхона ва ташкилотлари  
сони бўйича маълумотлар, бирлиқда**



● Ишлаб чиқарадиган саноат

● Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш


● Электр, газ бўғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш

● Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиликларни йигиши ва утилизация қилиш

**Рўйхатга олинган фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
<b>Жами</b>	<b>33 356</b>	<b>100,0</b>	<b>32 215</b>	<b>100,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>				
кишлoқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	2 720	8,2	2 622	8,1
саноат	7 035	21,1	6 811	21,1
курилиш	2 491	7,5	2 404	7,5
савдо	10 091	30,2	9 703	30,1
ташиш ва сақлаш	1 106	3,3	1 075	3,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 483	4,4	1 413	4,4
ахборот ва алоқа	489	1,5	474	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	675	2,0	661	2,1
бошқа турлари	7 266	21,8	7 052	21,9


**Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(2021 йилнинг I апрель ҳолатига)**




Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 96,6 % ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 3,4 % ни ташкил этганини кўрсатмоқда, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққосланганда 0,5 % га кўпайган.

**Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият  
кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, % да**

**01.04.2020 йил**



**01.04.2021 йил**




**Фаолиятсизлар**

**Фаолият кўрсатаётганлар**

2021 йил 1 апрель ҳолатига 27 980 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 7 209 та, оиласвий корхоналар – 1 057 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 19 063 тани ва 651 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

**Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ва хўжалик юритувчи  
субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича  
тақсимланиши, бирликда**

■ 01.04.2020 йил ■ 01.04.2021 йил




2021 йил январь-март ойларида жами 1 792 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 7,2 фоизга кўп ташкил этилган.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Наманганд шаҳри (471 та), Чуст (166 та), Тўракўрғон (163 та), Чорток (155 та), Норин (129 та), Поп (114 та) ва Косонсой (107) туманларига тўғри келади.

Энг ками эса, Янгиқўрғон (84 та), Наманганд (101 та) ва Мингбулоқ (103 та) туманларига тўғри келади.

**Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва  
ташкилотлар тўғрисида маълумотлар, бирликда  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)**



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**




**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар қўрсатиш бўйича фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда**  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)




**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот, бирликда**

■ 2020 й. ■ 2021 й.



**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхона  
ва ташкилотларнинг сони, бирлиқда  
(2021 йилнинг январь-март ойларида)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг улуши савдода 35,1 %, саноатда 29,8 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига 11,6 %, қурилишда 7,2 % ни ташкил этади.

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(2021 йилнинг январь-март ойларида)**



**2021 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган оиласий  
корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши**

---

**49,6 %**



*Саноат*

**11,0 %**



*Кишлоқ, ўрмон ва  
балиқчилик  
хўжалиги*

**23,9 %**



*Савдо*

**11,0 %**




*Яшаш ва  
овқатланиш бўйича  
хизматлар*

**0,4 %**



*Соглиқни сақлаш ва  
ижтимоий хизматлар*

**1,8 %**



*Бошқа турлар*

2021 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 27 812 тадан ортиқни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2020 йил мос даврига нисбатан 22,6 % га ошган.


Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 9 474 таси (жами субъектларнинг 34,0%) Наманган шаҳрига, 2 310 таси (8,3 %) Чуст, 2 001 таси (7,2 %) Наманган ҳамда 1 851 таси (6,6 %) Уйчи туманлари хиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 1 196 таси (4,3 %) Мингбулоқ, 1 326 таси (4,8 %) Норин, 1 359 таси (4,9 %) Янгиқўргон, 1 357 таси (5,5 %) Чорток, 1 549 таси (5,6 %) Учқўргон туманлари хиссаларига тўғри келади.

#### **Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг худудлар бўйича сони**

	2020 йил 1 апрель ҳолатига		2021 йил 1 апрель ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан улуси, % да	бирлик	жамига нисбатан улуси, % да
<b>Вилоят жами</b>	<b>22 692</b>	<b>100,0</b>	<b>27 812</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	8 369	36,9	9 474	34,0
Мингбулоқ	928	4,1	1 196	4,3
Косонсой	1 358	6,0	1 714	6,2
Наманган т.	1 682	7,4	2 001	7,2
Норин	1 001	4,4	1 326	4,8
Поп	1 305	5,8	1 688	6,1
Тўракўргон	1 361	6,0	1 807	6,5
Уйчи	1 437	6,3	1 851	6,6
Учқўргон	1 227	5,4	1 549	5,6
Чорток	1 135	5,0	1 537	5,5
Чуст	1 860	8,2	2 310	8,3
Янгиқўргон	1 029	4,5	1 359	4,9


Фаолият кўрсатаётган жами 27 812 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 9 676 таси (34,8 %) - савдо, 6 757 таси (24,3 %) - саноатда, 2 573 таси (9,2 %) - кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида, 2 385 таси (8,6 %) - қурилишда, 1 410 таси (5,1 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 1 068 таси (3,8 %) - ташиш ва сақлашда, 559 таси (2,0 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида, 445 таси (1,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида шунингдек, 2 939 таси (10,6 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**



2021 йил январь-март ойларида жами 1 750 та кичик тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,6 фоизга кўп ташкил этилган. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Наманган шахри (452 та), Чуст ва Тўракўрғон (161 тадан), Чорток (154 та), Норин (128 та), Уйчи (119 та) Поп (112 та) ва Косонсой (106 та) туманларига, энг кам ташкил этилганлари эса, Янгиқўрғон (83 та), Наманган (98 та) ва Мингбулоқ (100 та) туманларига тўғри келади.

**2021 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг худудлар бўйича сони, бирлиқда**




Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг кўп ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар савдода (630 та), саноатда (532 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига (206 та), қурилишда (129 та) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (64 та) ташкил этилган. Энг ками эса, ахборот ва алоқада (27 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (34 та) ташкил этилган.

Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли, фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда.

Жумладан, 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига Наманган вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 3,4 % ни (993 та) ташкил қилган, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 286 тага кўпайган.

Ҳисобот даврида 220 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 80 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 36,4 %) қўшиб олиш орқали тугатилган.

**Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(2020 йил январь-март)**



**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.** 2021 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 265 тани ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29 тага ёки 12,3 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 171 таси қўшма корхоналар, 94 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.


**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида  
кўшма корхоналар ва хорижий корхоналар сони, бирликда**  
*(2021 йилнинг I апрель ҳолатига)*

---

*Хорижий корхоналар*  
**94**

*Жами*  
**265**

*Кўшма корхоналар*  
**171**



**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган  
корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда**  
*(2021 йилнинг I апрель ҳолатига)*

---



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият қўрсатаётган корхоналарнинг асосий кисми Наманган шаҳар 78 та (29,4 %), Поп 27 та (10,2 %), Косонсой 28 та (10,6), Чуст ва Чорток 21 та (7,9 % дан), Уйчи 16 та (6,4 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида корхоналар Мингбулоқ 7 та (2,7), Учқўрғон 9 та (3,4 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

**Фаолият қўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши**  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	бирлик	Жамига нисбатан улуши % да
<b>Вилоят жами</b>	265	100,0
Наманган ш.	78	29,4
Мингбулоқ	7	2,7
Косонсой	28	10,6
Наманган т.	17	6,4
Норин	10	3,8
Поп	27	10,2
Тўракўрғон	19	7,2
Уйчи	16	6,0
Учқўрғон	9	3,4
Чорток	21	7,9
Чуст	21	7,9
Янгиқўргон	12	4,5

Фаолият кўрсатаётган 265 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсақ, 135 таси (50,9 %) саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 38 та (14,3 %), 31 та (11,7 %) савдо, 16 таси (6,0 %) қурилиш, 10 таси (3,8 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 8 таси (3,0 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 2 таси (0,8 %) ташиш ва сақлашда ҳамда 25 таси (9,5 %) бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқа, ташиш ва сақлаш ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан улуси, % да
<b>Жами</b>	<b>265</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	38	14,3
саноат	135	50,9
курилиш	16	6,0
савдо	31	11,7
ташиш ва сақлаш	2	0,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8	3,0
ахборот ва алоқа	-	-
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	10	3,8
бошқа турлари	25	9,5

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий  
капитал иштирокидаги корхоналарнинг улуси, % да**  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)



2021 йил январь-март ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 7 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9 тага камайган ёки 43,8 фоизни ташкил қилган.

Бунда, – Хитой Халқ Республикалари, Россия Федерацияси – 2 тадан, Туркия Республикаси, Хиндистон, Туркманистон, Жанубий Корея 1-тадан янги корхоналар рўйхатдан ўтган.


Вилоятдаги 7 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Учқўрғон ва Чуст (2 тадан), Наманган шаҳар, Наманган ва Чорток (1 тадан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар қолган туманларда ташкил этилмаган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
худудлар кесимидағи сони ва улуши  
(2020 йил январь-март)**


	бирлик	Жамига нисбатан улуши, % да
<b>Вилоят жами</b>	<b>7</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	1	14,3
<b>Мингбулоқ</b>		
Косонсой		
Наманган т.	1	14,3
Норин		
<b>Поп</b>		
Тўракўрғон		
<b>Уйчи</b>		
Учқўрғон	2	28,6
<b>Чорток</b>	1	14,3
Чуст	2	28,5
<b>Янгиқўрғон</b>		

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига 4 та, саноатда 2 та, қурилишда 1 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг  
иктисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**  
(2020 йил январь-март)



**2020 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидағи сони, бирликда**



**Оилавий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони, 2021 йил 1 апрель ҳолатига 1 095 тани ташкил этиб, улардан 1 057 таси ёки 96,5 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг умумий сонига нисбатан ўртacha 74,0 % га ошганлигини таъкидлаш мумкин.